

МАВРУЛОВА Муниса Абдуҳалил қизи,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини доценти в.б.,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

АҲОЛИ МАДАНИЙ- МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАР ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШНИНГ ИНДИКАТОРЛАРИ

ПОКАЗАТЕЛИ ОПРЕДЕЛЕНИЯ УРОВНЯ КУЛЬТУРНЫХ И ДУХОВНЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ НАСЕЛЕНИЯ

INDICATORS OF DETERMINING THE LEVEL OF CULTURAL AND SPIRITUAL NEEDS OF THE POPULATION

Аннотация: Шахс маънавий оламини шакллантиришнинг энг муҳим омили кишиларда маънавий-маданий эҳтиёжларни шакллантириш масаласидир. Шунинг учун ҳам жамият тараққиётини одамларда тобора ўсиб борувчи маданий-маънавий эҳтиёжларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мақолада мазкур эҳтиёжларнинг шаклланиши, қондирилиши, шунингдек, бу борада эришилган натижалари баҳолаш тизими каби масалалар таҳлил этилган.

Калим сўзлар: маънавий-маданий эҳтиёж, самарадорлик, индикатор, китобхонлик, жамият, тараққиёт, тарғибот, бўш вақт, бадий адабиёт, ижтимоий ҳаёт, кўрсаткич.

Аннотация: Главным фактором существования духовного мира личности является формирование духовно-культурных потребностей у людей. Именно поэтому, невозможно представить развитие общества без постоянно растущих духовно-культурных потребностей членов общества. В данной статье анализируются процессы формирования и удовлетворения вышеуказанных потребностей, а также вопросы оценки данных, накопленных в этой сфере.

Ключевые слова: духовно-культурные потребности, эффективность, индикатор, читатель, общество, развитие, пропаганда, свободное время, художественная литература, социальная жизнь, показатели.

Annotation: The main factor in the existence of the spiritual world of the individual is the formation of spiritual and cultural needs among people. That is why it is impossible to imagine the development of society without the constantly growing spiritual and cultural needs of members of society.

This article analyzes the processes of formation and satisfaction of the above needs, as well as issues of assessing the data accumulated in this area.

Key words: spiritual and cultural needs, efficiency, indicator, reader, society, development, propaganda, free time, fiction, social life, indicators.

КИРИШ

Айни пайтда бу ҳолат олим, мутахассислардан катта, самарали меҳнатни талаб этади. Чунончи, жамият аъзоларидаги маданият ва маънавий муассасалари томонидан олиб борилган ишларнинг самарадорлик даражасини дарҳол аниқлаб бўлмайди. Бунинг учун энг аввало турли социологик сўровномалар ўтказиш, оддий одамлар орасида оғзаки сўровномалар, баҳс-мунозаралар ўтказиш лозим. Айниқса, социологик сўровномаларнинг ҳаққонийлигига жуда катта эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Шахс маданий-маънавий эҳтиёжларини шакллантиришда маданият ва санъатнинг ўрни катта эканлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Ушбу эҳтиёжлар, ўз навбатида маданият ва санъат, шунингдек, маънавий-маърифий ҳодисанинг ижтимоий самарасига ҳам боғлиқ. Ижтимоий самара жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсир этиш қудратига эга. Ижтимоий самара жамият ҳаётини бир томондан соғломлаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришга имкон берса, бошқа тарафдан, жамият аъзоларида янги маданий-маънавий эҳтиёжларнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Шу маънода маданият ва санъатнинг ижтимоий самараси хусусида айрим фикрларни баён этиш мақсадга мувофиқ. Бунда маданият ва санъат инсон ички дунёсига бадий образлар орқали таъсир этади. Айни пайтда бу таъсир жамиятнинг инсонпарварлашуви, цивилизациялашувига ҳам жиддий таъсир кўрсатиш кучига эга.

АСОСИЙ ҚИСМ

Машхур санъатшунос олим Л.С.Выготский таъбирича, маданият ва санъат ижтимоий ҳаётнинг энг нозик саволларига жавоб бера оладиган феномен ҳодиса ҳисобланади [6:142]. Бундай саволларга ижтимоий онг ва ижтимоий ҳаётдаги бирор-бир ҳодиса тўғри жавоб бера олмайди. Маданият ва санъат бир пайтнинг ўзида жамият учун зарур бўлган ҳам бадиий-эстетик, ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам ғоявий-мафкуравий масалаларни адолатли, ҳаққоний равишда ҳал этиш қурбига эга.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, маданият ва санъат аниқ макон ва замонда жамият ижтимоий буюртмаси асосида яратилган бўлса, шахснинг эмоционал-ҳиссий хотирасига ижобий таъсир кўрсатади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ушбу эмоционал-ҳиссий хотира шахснинг рационал хотирасидан бир неча баробар кучли, ижтимоий жиҳатдан таъсирли бўлади. Эмоционал-ҳиссий хотира маданият ва санъатни, унинг турли кўринишларини инсон “юрагининг хотираси”га айлантиради.

Ҳақиқатан ҳам, маданият ва санъат ижтимоий самара берадиган бўлса, у ҳолда улар туфайли шаклланган бадиий образлар инсон фаолиятини, унинг инсоният ижтимоий ҳатти-ҳаракатларини тартибга солади. Одамларда ҳаёт моҳиятини тушуниш, ўзининг жамият олдидаги масъулиятини англаш, миллий характерини сақлаб қолишида ҳам маданият ва санъатнинг ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бадиий маданиятнинг жамият аъзолари ижтимоий муносабатларининг шаклланишидаги, уларнинг ижтимоий-миллий қадриятларга, маънавий идеалларни топишдаги ўрни бениҳоя катта.

Маданият ва санъатнинг ижтимоий самарадорлиги тўғрисида мушоҳада қилинганда унинг алоҳида шахсга кўрсатадиган таъсирини аниқлаб олиш муҳим масала ҳисобланади. Шубҳасиз, ушбу феномен ҳодиса инсон фаолиятининг барча кўринишларига ўзига хос тарзда таъсирини ўтказди. Бизнинг фикримизча бу таъсирларни классификациялашда энг асосийлари сифатида 3 та муҳим жиҳатни эътиборга олишни мақсадга мувофиқ, деб билдик. Булар – шахс тафаккур тарзи, ҳиссиётлари ва хулқига кўрсатадиган таъсирлардир.

Маданият ва санъатнинг ижтимоий самарадорлигини аниқлашда юқорида келтирилган ҳар уч омилнинг роли катта. Бирок, уларнинг инсон фаолиятига таъсирини барчага бир хил тарзда юз беради, дейиш ҳам қийин. Қолаверса, таъсир этиш эффекти-самарасини ҳамма бир хил тарзда ҳис этмаслигини ҳам ёдда тутиш керак. Масалан, бирор бир маданият ёки санъат асари алоҳида олинган бир шахсга бирданига таъсир кўрсатиши мумкин. Иккинчи одам эса ушбу таъсирни вақт ўтиши давомида, шошмасдан ҳис этиши мумкин. Учинчи одам бўлса, айнан ўша маданият асарига бепарволарча аҳамият бериши мумкин. Тўртинчи одам бундай асарни мутлақо эътиборга олмаслиги мумкин.

Шунинг учун ҳам маданият ва санъат инсон фаолиятида, руҳиятида муайян ўзгаришларнинг юз беришига сабабчи бўлсада, бироқ, уларнинг таъсирини барчада бир хил даражада кутиш ноўрин. Бу ҳол биринчидан, ўша асарнинг бадиий-эстетик қимматига, иккинчидан, шахснинг маданий-маънавий эҳтиёжларининг қай даражада шаклланганлигига, учинчидан эса шу субъектнинг бадиий образларни истеъмол қилиш кўникмасига боғлиқ. Бу жараёнлар эса ҳар доим мутлоқ индивидуал мазмунга эга.

Ғарб мамлакатларида маданият ва санъатга, шунингдек, ижтимоий тарбияга бўлган эҳтиёжларни шакллантиришда “бадиий терапия” деган атама ҳам муомалага киритилган. Масалан, тиббиёт соҳасидаги илмий асосланган кўрсатма, услубий ёндашувлар асосида ҳозирги пайтда инсон руҳиятига маънавий-маданий таъсир кўрсатишнинг муайян ижобий мисоллари мавжуд.

Шоир ва бадиий танқидчи И.Анненский фикрича, мусиканинг инсон руҳияти, тафаккур тарзига ижобий таъсири жуда катта [3:56]. У ўз навбатида, биринчидан, маданият ва санъатнинг ижтимоий самарадорлигини таъминласа, бошқа тарафдан, шахснинг маданий-маънавий эҳтиёжларини ҳам шакллантириш, ҳам қондиришда муҳим аҳамиятга эга.

Унинг таъкидлашича маданият, айниқса, санъат инсон фаолиятини илмий қарашларга қараганда ҳам кенгроқ амалга оширишга имкон беради. Санъат шахснинг ҳаётга, жамиятга, мавжуд ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий жараёнларга нисбатан муносабатини шакллантиришга ёрдам беради, инсон

фаолиятини интенсивлаштиради. Ана шу жараён маданият ва санъатнинг самарадорлигини ташкил этади.

Худди шундай, ўз пайтида англиялик врач Ж.Альвин ҳам ўз мамлакатига “Врачлик мушқаси ва мушқа терапия жамияти”ни ташкил этган. Айнан шундай амалиёт Ўзбекистонда ҳам аста-секинлик билан пайдо бўлмоқда [6:93]. Жумладан, Навоий вилоятига қилинган сафар чоғида Навоий шахрининг қатор мактабгача таълим муассасаларида болаларга тушдан сўнгги уйқу пайтида ўзбек мумтоз куйларини аста-секинлик билан эшиттириш амалиёти йўлга қўйилганининг гувоҳи бўлдик. Бу амалиёт ўз натижасини кўрсатди.

Бир томондан, мазкур мушқий ритм болаларнинг руҳиятига таъсир этиб, уларнинг ором олишларини тартибга солган, улар кайфиятида сокинлик, хотиржамликни юзага келтирган. Бошқа тарафдан эса, болаларда уларнинг ёшлик давридан бошлаб миллий мушқа, ўзбек санъати ва маданиятига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотишга сабаб бўлган. Бу ҳол, ҳақиқатдан ҳам маданият ва санъатнинг самараси ҳисобланади. Айни пайтда ана шундай амалиёт болаларда маданий-маънавий эҳтиёжларнинг шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Маданият ва санъатнинг шахс маънавий оламига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилаётган тадқиқотлар субъектнинг ана шу феномен ҳодисага муносабатини аниқлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Россия Федерациясида ўтказилган ана шундай тадқиқотлардан бирида ўз ижтимоий-психологик типи бўйича тўрт гуруҳ танлаб олинди. Ҳар бир гуруҳ ўз маданий-маънавий савияси, маданият ва санъатга нисбатан муносабатига алоҳида ўрин берилди [5:79].

Натижа шундан иборат бўлдики, инсоннинг қай даражада шахс бўлиб шаклланиши унинг бадий-маданий савиясининг даражасига қараб белгиланади. Инсон қанчалар даражада маданий-маънавий бой бўлса, унинг маънавий олами интеллектуал қобиляти билан уйғунлик даражаси юқори бўлса, бу ўз навбатида субъектнинг маданият ва санъатга бўлган муносабатидаги динамикада ўз аксини кўрсатди.

Ўтказилган тадқиқот натижасида биринчи гуруҳдагиларнинг атиги 2 фоизигина бадий-маданий савияси яхши ривожланганлиги аниқланди. Иккинчи гуруҳдагиларда эса бу рақам 7 фоизни, учинчи гуруҳда 24 фоизни, тўртинчи гуруҳда эса 55 фоизни ташкил этди. Гуруҳдан гуруҳга ўтган сари тадқиқотда қатнашганларнинг маданият ва санъатдан бохабарлик даражаси ортиб бораверган. Масалан, биринчи гуруҳдагиларнинг 18 фоизи санъат ҳақида муайян билимларга эга бўлган бўлсалар, 9 фоизи ҳаваскорлик санъатининг айрим турлари билан шуғулланганлар. Иккинчи гуруҳда эса бу рақам мос равишда 73 фоиз ва 22 фоиз; учинчи гуруҳда 88 фоиз ва 35 фоиз; тўртинчи гуруҳда эса 97 фоиз ва 46 фоиздан иборат бўлган.

Ушбу ҳолатлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, инсон санъатга қанчалар даражада яқин муносабатда бўлса, бу ўз навбатида унинг шахс сифатида шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, бу жараён инсон маданий-маънавий эҳтиёжларининг пайдо бўлиши, қондирилишига замин яратади. Айни пайтда одамларнинг ўз бўш вақтини самарали ташкил этиш, бунда маданият ва санъатга кенг ўрин берилиши ҳам кузатилади. Бу ҳолатлар эса жамиятда маънавий-маданий жараёнларнинг жонланиши, ижтимоий-маданий муҳитнинг барқарорлашувига ижобий таъсир кўрсатади.

Маданият ва санъат соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлик даражасини аниқлашда яна бир муҳим масалага эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Яъни, жамият тараққиётининг даражаси барча соҳаларнинг уйғун ривожланишини талаб этади. Иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий масалаларнинг барқарор ривожланиши маданий-гуманитар жабҳанинг юксалишига таъсир этгани каби, маданият, маънавиятнинг бошқа соҳаларга таъсири ҳам жамият умумий тараққиётининг муҳим омиллари ҳисобланади.

Айниқса, жамият ривожланишида маданият ва санъатнинг ўрни дунё мамлакатлари ўртасидаги интеграцион жараёнларнинг кучайиши, улар орасидаги муносабатларнинг трансформацияси ортиб борган сари кенгайиб бораверади. Бу эса, ўз навбатида жамият ва алоҳида шахснинг маданий-маънавий эҳтиёжлари даражасига боғлиқ.

Давлатлар аҳоли истеъмол концепцияларини яратиш чоғида уни кондириш йўлидаги мавжуд имкониятларни эътиборга олишлари жуда зарур. Яъни гап истеъмол, эҳтиёж ва уларни кондириш имкониятлари устида кетар экан, бунда улар ўртасидаги фарқ қанчалар кенгайиб борса, бу ўз навбатида жамиятда муайян номутаносибликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлаш мақсадида унинг муҳим шартларидан бири сифатида маънавият, маданият ва санъатга эътибор бериб келмоқда, соҳаларнинг моддий-иқтисодий базасини мустаҳкамлашга эришилмоқда.

Масалан, 2021-2023 йилларда мамлакатимиз бўйича 195 та туман ва шаҳарда Маънавият ва маърифат масканлари барпо этилди. Маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида 2024 йилдан бошлаб ҳар йили 100 миллиард сўм маблағ ажратиладиган бўлди [7:3].

Шунингдек, 2024 йилдан бошлаб ҳар бир туманда сахнали зал, кутубхона, кинозал ва тўғарак хоналари мавжуд бўлган биттадан маданият маркази фаолияти йўлга қўйилади. Жойлардаги 600 дан зиёд бадий ҳаваскорлик жамоаларининг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича дастур қабул қилиниб, бунга 100 миллиард сўм йўналтирилмоқда.

Мазкур тадбирлар жамият ҳаётида барча соҳаларнинг тенг кучли ҳолатда ривожланишини таъминлайди. Маданият ва санъат соҳасига сарфланган маблағ ўз навбатида мамлакат иқтисодиёти, сиёсати, ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қанчалар даражада имкон берса, бу жараённинг акс таъсири ҳам мамлакат ва жамиятнинг янада мустаҳкамлилигига ижобий таъсир кўрсатади.

Шахс маданий-маънавий эҳтиёжлари даражасини аниқлашнинг индикаторлари масаласи ҳам бугунги кунда долзарб муаммолардан бири сифатида кун тартибда турибди. Индикатор сўзи латинча бўлиб, “Indicator” сўздан олинган бўлиб, “кўрсаткич”, “мезон” [4:34] деган маъноларни билдиради. Индикатор сўзи кейинги пайтларда тараққиётнинг даражасини аниқлаш,

ривожланишимизда устувор аҳамиятга эга бўлган йўналишларни белгилашда кенг қўлланиб келинмоқда. Мазкур атама кўпроқ мавжуд ҳолатнинг техник, иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолашда қўлланилмоқда[8:51].

Айни пайтда жамият ижтимоий-гуманитар соҳаларидаги мавжуд ҳолатни аниқлаш, белгиланган мақсаднинг қай даражада бажарилганлигининг мақсадга мувофиқлигини белгилашда ҳам индикатор атамасидан самарали фойдаланишга эътибор берилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маданий-маънавий соҳадаги ислохотлар савияси ва даражасини аниқлаш иқтисодиёт соҳасига қараганда анча мураккаб ҳисобланади. Чунки, маданият, маънавият соҳалари инсон, унинг руҳияти, маънавий олами, тафаккур тарзи, ички кечинмалари билан боғлиқ. Буни аниқлаш муайян қийинчиликлар тўғдиради, шунингдек, олинган натижалар ҳар доим ҳам реал ҳолатни ўзида акс эттирмаслиги мумкин.

Бироқ, бугунги кунда маънавият ишлари, айниқса, тарбия жараёнига эътиборнинг тобора ортиб бориши мазкур соҳада олиб борилаётган фаолиятнинг кўрсаткичлари жамият тараққиётининг тактик ва стратегик мақсадларини белгилашда зарурлиги сезилмоқда. Мазкур масалани интеллект индикатори ва мамлакатимизда ёшларнинг китобхонлик маданиятини оширишдаги ўрни мисолида кўриб чиқамиз.

Маълумки, дунёда миллатнинг интеллектуал ривожланишни аниқлайдиган кўплаб индикаторлар мавжуд. Улар миллатнинг жаҳон миқёсидаги ўрнини аниқлашдан тортиб то Нобель мукофоти сонлари, таълим ва янги, инновацион технологиялар тизимига сарфланадиган инвестициялар миқдоригача бўлган маълумотлардан иборат бўлади. Интеллектуал ривожланиш индикаторларининг кўрсаткичлари жуда кўп бўлиб, уларнинг орасида миллий китобхонлик даражаси, китоб бозори, ундан фойдаланиш самараси каби омиллар алоҳида ўринга эга.

Шу ўринда энг “ўқимишли миллат” ва давлатни аниқлаш мамлакат ва давлатнинг тараққиёт даражасига жиддий таъсир этувчи омил эканлигини ҳам эътиборга олиш лозим.

Германиянинг маркетинг тадқиқотлари билан шуғулланувчи нуфузли GfK институти томонидан ўтказилган онлайн-сўровнома натижаларига кўра 2017 йилда дунёдаги энг ўқимишли мамлакат Хитой ҳисобланади. Мамлакатда сўралган респондентларининг 70 фоиз ҳар куни, ҳеч бўлмаса ҳафтада бир марта китоб ўқишини билдирган. Иккинчи ўринни Россия Федерацияси (59 фоиз) эгаллаган. Америка Қўшма Штатлари олтинчи ўринни (55 фоиз), Германия 11-ўринни (50 фоиз), Франция 12-ўринни (48 фоиз), Япония 13-ўринни (44 фоиз) эгаллаган.

Ўтказилган сўровнома натижаларига кўра китобхонлик даражаси оилаларнинг моддий жиҳатдан қай даражада таъминланганлигига ҳам боғлиқлиги аниқланди. Масалан, дунёдаги энг кўп китоб ўқиладиган 17 та мамлакат аҳолисининг 35 фоизи ҳар куни китоб мутоаласи билан машғул бўлиши аниқланди. Буларнинг бариси моддий жиҳатдан яхши таъминланган оилаларнинг аъзоларидан иборат бўлди.

Ҳеч қачон китоб ўқимайдиган 10 фоиз оиланинг моддий таъминоти эса жуда паст даражада бўлган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ўз моддий таъминоти юқори бўлган, аммо китоб ўқимайдиган оилаларнинг кўрсаткичи 3 фоиздан ошмаган.

Юқоридаги маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлакат ва миллат тараққиёти, жамият фаровонлиги кўп жиҳатдан халқнинг китобхонлик маданиятига боғлиқ. Ижтимоий тармоқлар жуда кенг ривожланиб бораётган бир даврда китоб, китобхонлик маданиятининг ўрнини ҳеч бир нарса қоплай олмайди. Бу масалада Ўзбекистонда талай жиддий ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаш керак.

“Мени, – дейди мамлакат раҳбари Шавкат Мирзиёев – доимо ўйлантирадиган, ташвишга соладиган яна бир долзарб масала бу – ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, бир сўз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ. Биз бу йўналишда катта ишларни амалга оширяпмиз. Аммо уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш учун бир қатор масалаларга жиддий эътибор беришимиз зарур. Хусусан, ёшлар ўртасида китобхонликни,

мутолаа маданиятини ривожлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Фарзандларимизга мўлжалланган бадий адабиётларни кўпайтириш ва уларнинг муаллифларини рағбатлантириш мақсадида “Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб” танловини ўтказиш йўлга қўйилади. Бунда муаллифларга биринчи ўрин учун – 100 миллион сўм, иккинчи ўрин учун – 75 миллион сўм, учинчи ўрин учун – 50 миллион сўм мукофот берилади”[1:4].

Шунингдек, кейинги йилларда “Ёшлар учун – минг китоб” лойиҳасини амалга ошириш бўйича алоҳида қарор қабул қилинди. Болаларга рағбат берадиган энг машҳур илмий-оммабоп китобларни ўзбек тилига таржима қилиб, мактаб ва кутубхоналарга бепул тарқатиш йўлга қўйилапти. Бу ишлар, сўзсиз, ёшларни китобга қайтариш, уларнинг китобхонлик маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш керакки, маърифатли жамият куриш мақсади Ўзбекистон жамиятидан маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришни, барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг заминидида гуманитарлаштириш жараёнига алоҳида эътибор беришни талаб этмоқда. Бу ҳол реал ҳаётда ўз аксини кўрсатмоқда.

Масалан, биргина 2023 йилнинг учинчи чорагида “Маърифат қарвони” лойиҳаси доирасида 4 миллиондан ортиқ китоблар ёшларга етказилди. Беш ташаббус олимпиадаси доирасида ўтказилган “Ёш китобхон”, “Китобхон оила”, “Зукко китобхон”, “Мушоира” каби республика танловлари ташкил этилиб, 2018-2022 йиллар давомида танлов иштирокчилари сони 3,6 миллион нафарга етди [2:4].

Айни пайтда бу борада қатор камчиликлар ҳам мавжудлигини ёддан чиқармаслик керак. Айниқса, бу нарса лотин алифбосидаги адабиётлар масаласига тегишли. Гап шундан иборатки, бугунги ёшларнинг барчаси лотин алифбосига асосланган адабиётларни ўқиб мактаб битирганликларига қарамасдан, ахборот-кутубхона марказларининг фондлари асосан кирилл ёзувида асосланган адабиётлардан иборат. Бу эса ёшларнинг китоб билан муомаласида муайян қийинчиликларни туғдирмоқда. Шунингдек, китоб рекламаси

масаласи ҳам ачинарли аҳволда. Маданият ва санъатнинг тижоратлашуви шароитида адабий-бадий жараёнларни тарғиб этиш, айниқса, бу борадаги реклама масаласи китобхонлик маданиятининг ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда вилоятлардаги ахборот-кутубхона марказлари фаолиятида ҳам қатор камчиликлар бор. Албатта, бундай марказлар моддий-техник базасининг жуда ночорлиги, юқори малакали мутахассис кадрларнинг етишмаслиги, адабиётларнинг электрон версияларини яратишдаги сустанликлар умумий жараёнга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Айниқса, ахборот-кутубхона марказларининг китобхонлар билан ишлаш механизми эскилигича қолаётганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, китобхонларнинг маданий-маънавий эҳтиёжларини ўрганиш ишлари деярли олиб борилмайди. Китоб тарғиботи, унинг рекламаси, марказларни янги адабиётлар билан мунтазам бойитиб бориш аҳволи ачинарли ҳолатда.

Сўнгги беш йил мобайнида кутубхоналарга аъзо бўлган ёшларнинг сони кўпайганига қарамадан, уларнинг ёшлар умумий сонига нисбатан (14-30 ёш) паст даражада қолаётганлигини қайд этиш керак. Мисол учун, Қашқадарё вилоятида кутубхоналарга аъзо ёшлар улуши умумий ёшлар сонига нисбатан атиги 0,2 фоизни ташкил этади ҳолос. Вилоятда фаолият юритаётган ахборот-кутубхона марказларининг сони сезиларли даражада камайиши бу ҳолатга жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. 2018 йилда вилоятда 159 та ахборот-кутубхона марказида 3,1 миллион дона китоблар жамланган бўлса, 2022 йилда уларнинг сони 48 тага камайиб, китоблар сони 244 725 тагача тушган.

Мазкур ҳолатлар, мавжуд салбий кўринишлар китобхонлик маданиятини янада кучайтиришни талаб этади. Шу маънода мамлакатда жамият интеллектуал ривожланиш индикатори кўрсаткичларини аниқлаб олиш жараёнида китобхонлик маданиятининг моҳиятини англаб олиш жуда зарур. Бунинг учун, назаримизда энг аввало қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз:

-аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва самарали ўтказишда китобхонликнинг ўрни ва ролини аниқлаш;

-маҳаллаларда аҳолининг китобхонлик ва мутолаа маданиятига муносабатини ўрганиш;

-маҳаллаларда аҳоли ўртасида китобхонликка меҳр уйғотишнинг янги, креатив йўналишларини ўрганиш;

-аҳолининг китоб мутолаасида китобларни танлаш ва саралаш бўйича билимларини аниқлаш;

-аҳолининг китобхонлик маданиятини ривожлантиришга таъсир этувчи ижтимоий омилларни аниқлаш;

-ёшларнинг бугунги кунда бадий адабиётнинг қайси жанрларига қизиқиши, уларнинг бадий эҳтиёжларини таҳлил қилиш;

- китобхонлик маданиятини ривожлантиришда жамият ижтимоий буюртмасининг зарурлигини аниқлаш.

Ҳақиқатдан ҳам, дунёвий ўзгаришларнинг шиддат билан ривожланиши, шунингдек, миллий кадриятларнинг кадрсизланиш жараёнларининг кучайиб бориши, турли ички ва ташқи таҳдидларнинг ортиб бориши одамларнинг китобга бўлган муносабатини ўрганишни талаб этмоқда. Шу маънода 2022 йилда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузуридаги “Оила ва хотин-қизлар” илмий тадқиқот институти томонидан “Маҳаллаларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш муаммолари ва унинг ечимлари” мавзусида ўтказилган социологик сўровнома муайян аҳамиятга эга бўлди[9:11].

Тадқиқот Самарқанд, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида ташкил этилди. Унинг натижаларига кўра респондентларнинг 55,3 фоизи бўш вақтда китоб мутолааси билан шуғулланишини, 14,2 фоизи телевизор томоша қилишни, 11 фоизи уй юмушлари билан банд бўлишларини, 7,5 фоизи спорт билан шуғулланишларини, 7,1 фоизи ижтимоий тармоқларни кузатишни, 1,6 фоизи радио эшитишни, 1,4 фоизи маданият ва истироҳат боғларини сайр қилишни билдирганлар.

Бу жавоблар респондентларнинг китобга қизиқиши, китобхонлик маданиятига интилишининг маълум даражада

баландлигидан дарак беради. Назаримизда, китобхонлик маданиятининг авж олишига мамлакатда бу борада олиб борилаётган ташкилий, ташаббускорликдан иборат ишлар сабаб бўлиши мумкин. Чунки, мамлакат раҳбари томонидан 2019 йилда илгари сурилган “5 муҳим ташаббус” ғояси кейинги йилларда ёшлар ўртасида китобга бўлган қизиқишни сезиларли даражада кучайтирди. Шунингдек, ёш китобхонлар ўртасида турли кўрик-танловларнинг ўтказилиши, йирик рағбатлантирувчи мукофотларнинг жорий этилиши ҳам ушбу жараёнга туртки бўлди.

Мазкур социологик сўровнома доирасида маҳаллаларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш борасида қайси турдаги адабиётлар кўпроқ ўқилётганлиги ҳам аниқланди. Масалан, сўралганларнинг 18 фоизи фантастик, детектив адабиётлар ўқишини билдирган бўлсалар, 14 фоизи болалар адабиёти, 13 фоизи илмий-ўқув адабиётлар, асосан дарсликлар, 13 фоизи маънавий-маърифий, асосан диний адабиётлар, 12 фоизи илмий-оммабоп адабиётлар, 6 фоизи мумтоз адабиёт, 5 фоизи ишқ-муҳаббат ҳақидаги асарлар, 4 фоизи халқ оғзаки ижоди намуналари, 2 фоизи юмористик жанр, 2 фоизи сиёсий-ҳуқуқий адабиётлар, 2 фоизи психология ва шахсий ривожланиш, кўпроқ бизнесга оид адабиётлар ўқишларини таъкидлаганлар.

Мазкур жавоблар бугун жамиятда фантастик адабиётларга қизиқиш кучли эканлигини англатса, айни пайтда маънавий-маърифий йўналишдаги асарлар деганда кўпроқ диний йўналишдаги асарларга интилиш юкорилигидан далолат беради.

Айни пайтда мутахассислар, маданият ва маънавият тарғиботчиларидан ўзбек мумтоз адабиётига қизиқишни кучайтириш бўйича жиддий ишлар олиб бориш лозимлиги қайд этилади. Шунингдек, сўралганларнинг атиги 2 фоизи сиёсий-ҳуқуқий адабиётларга ва шахс ривожланишига хизмат қиладиган асарларга қизиқишининг мавжудлиги жамиятни муайян даражада ўйлантириши лозим. Чунки, бугун мамлакатда Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш жараёнида жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга бефарқлик, ислохотлар мазмун-

моҳиятини англашга нисбатан лоқайдлик маълум маънода ижтимоий фикрнинг саёзлашишига олиб келиши мумкин.

Фуқароларнинг ахборот-кутубхона марказларига ташрифи масаласида ҳам қатор муаммолар борлиги сезилади. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра сўралганларнинг 42,5 фоизи кутубхонага “ҳар куни”, 22,5 фоизи “зарурат бўлганда”, 20 фоизи “ҳафтада 1-2 марта”, 15 фоизи “ойда 1-2 марта” ташриф буюришларини билдирганлар.

Шубҳасиз, бу натижа китобхонлик маданиятини оширишда жиддий муаммолар борлигидан далолат беради. Чунки, сўровнома республикадаги йирик илмий-маърифий марказ бўлган олий таълим муассасасининг кутубхонасида ўтказилган. Кутубхона мамлакатимиздаги нодир адабиётларга, шунингдек, хориж асарларига бой маскан ҳисобланади.

Ахборот-кутубхона ресурслари турлари жуда ҳам кенг бўлиб, ҳар бир фойдаланувчи ўз имкониятлари ва хоҳишларидан келиб чиқиб уларни танлаш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда уларнинг баъзилари анъанавий босма нашрларни маъқул кўрса (68,8 фоизи), бошқалари электрон нашрларни (25 фоизи) танлайди, яна бошқалари эса аудиовизуал ресурслардан (6,2 фоизи) фойдаланишни қулай деб билганлар.

Аҳоли маданий-маънавий эҳтиёжларини шакллантиришда, умуман эҳтиёжлар даражасини аниқлашда шахсий кутубхоналарнинг ўрни ҳам катта. Бироқ, таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатда шахсий кутубхоналар масаласида жиддий муаммолар бор. Аҳолининг катта кўпчилиги ўз шахсий кутубхоналарига эга эмас.

Буни 2022 йилда Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани ва Тошкент вилоятининг Янгийўл туманларида ўтказилган социологик сўровнома натижалари ҳам тасдиқлаб турибди. “Шахсий кутубхонангизда кўпроқ қайси мавзудаги китоблар бўлишини хоҳлайсиз?”, деган саволга респондентларнинг жавоблари турлича бўлган.

Масалан, сўралганларнинг 13,1 фоизи “Диний мавзудаги”, 11,6 фоизи “Тарбиявий мавзудаги”, 13,2 фоизи “Шарқ адабиёти” деб жавоб берган бўлсалар, 21,6 фоизи “Ҳеч қайсиси” [10:2] деган жавобни берганлар.

ХУЛОСА

Ушбу кўрсаткичлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, сўралганлардан 21,6 фоизининг ҳеч қандай китоб бўлишини истамайман, деб жавоб бериши китобхонлик маданияти ҳали жиддий ривожланишга мухтожлигидан далолат беради.

Шунингдек, китобхонлик маданиятининг ошишига ёшларнинг Интернет маданиятидан самарали фойдаланиш даражаси ҳам етарли эмаслиги сезилмоқда. Шу ўринда 2023 йилда Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти томонидан ўтказилган сўровнома натижаларига эътибор беришни лозим топдик. Сўровнома натижаларига кўра ёшларнинг Интернет тармоғидан китоб мутолааси мақсадида фойдаланиш даражаси юқори эмаслиги аниқланди. Масалан Интернет тармоғига турли адабиёт ва қизиқарли китобларни юклаб олиш даражаси барча респондентларнинг 3,98 фоизни ташкил этади холос. Бу жуда паст кўрсаткич ҳисобланади.

Мазкур мисолларнинг бари маданият ва маънавият соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлик даражаси жиддий кўтарилиши лозимлигидан далолат беради. Айни пайтда бундай ҳол маданий-маънавий эҳтиёжларни ўрганиш, унинг асосий индикаторларини белгилаб олиш маданиятшунослик фанининг энг долзарб вазифаларидан бирига айланётганлигини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент, Маънавият, 2022.
2. Ўзбекистон ёшлари: ҳолати ва истикболлари. 2018-2022 йиллар. Миллий ҳисобот. – Тошкент, 2023.
3. Выготский Л.С. Психология искусства. – М., 1998.
4. Шибутани Т. Социальная психология. – М., 1999.
5. Соколов К.Б. Социальная эффективность художественной культуры. – М., «Наука», 1990.
6. Художественная культура и развитие личности: проблемы долгосрочного планирования. – М., 1987.
7. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2023 йил 23 декабрь.
8. Каххарова М., Сувонов И. Ижтимоий-маънавий жараёнларга оид 111 саволга 111 жавоб. – Тошкент: Маънавият, 2022.
9. “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти жорий архиви. ЖҲБЛ-82 “Маҳаллаларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш” мавзuidaги тадқиқот натижаларининг таҳлили. – Тошкент, 2022.
10. Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти томонидан Тошкент шаҳрининг Учтепа, Тошкент вилоятининг Янгийўл туманларида “Жамият ижтимоий-маънавий муҳитини баҳолаш ва уни соғломлаштириш технологияларини ишлаб чиқиш”га оид ўтказилган социологик сўровнома натижалари.